


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика кўмитаси раиси

Б.А.Бегалов
“22” 01 2021 йил

Нархлар статистикаси бошқармаси тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси Нархлар статистикаси бошқармасининг (кейинги ўринларда Бошқарма деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини юритиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон ва 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси (кейинги ўринларда Давлат статистика кўмитаси деб аталади) марказий аппаратининг таркибий бўлини хисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бошқарма нархлар статистикаси масалалари бўйича фаолиятини Давлат статистика кўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинилари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлинилари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бошқарма ўз фаолиятини Давлат статистика кўмитаси раиси раҳбарлигида амалга оширади.

Бошқарма ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Давлат статистика кўмитаси раисининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

2-боб. Бошқарманинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) давлат статистикасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва бажариш, статистикани ташиқ қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикасини мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

- Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, нархлар статистикаси бўйича ишларнинг режа-жадвали, Давлат статистика кўмитасининг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантиришнинг мақсадли дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларининг ижросини таъминлаш юзасидан жорий ва истиқбол режаларини тайёрлашда иштирок этиш;

- давлат статистикаси тамойилларига риоя этилишини ва нархлар статистикаси бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлган статистик методологиянинг ягоналигини таъминлаш;

- статистика органлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш, таклифларни амалда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни (давлат статистикасига оид қисми бўйича) тайёрлашда иштирок этиш;

- нархлар статистикаси бўйича статистик ҳисоботларни юритишда қиёсий ва таққослама таҳлилий маълумотларни ўз муддатларида сифатли тайёрланишини таъминлаш ҳамда статистик маълумотларни ҳисобга олиш услубиятларини халқаро стандарт ва қоидалар талабларидан келиб чиқиб амалиётга жорий этиб бориш;

- нархлар статистикаси бўйича маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш тизимини такомиллаштириш;

- нархлар статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ишончилигини, холислигини ва комплекслигини таъминлаш, нархлар статистикасига оид Давлат статистика ишлари дастурининг бажарилишини таъминлаш;

б) халқаро стандартларга мувофиқ бўлган ягона статистика методологиясини ҳамда давлат статистика қузатувлари шаклларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:

- макроиктисодий, тармоқ ва ҳудудий даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иктисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик қузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- нархлар статистикаси соҳасида илмий асосланган статистик методологияни ва давлат статистика кузатувлари тизимини режалаштириш, ривожлантириш ва жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини мақбуллаштириш, танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончилигини босқичма-босқич ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш, идоравий статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқиш ва келишиш чораларини кўриш;

- жамият эҳтиёжларига мувофиқ, статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани умумлаштириш ва тарқатиш, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини такомиллаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

- нархлар статистикаси бўйича статистик инструментариини (кузатув шакллари ва йиғма аналитик жадваллар макетлари, кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятлари, маълумотларни қайта ишлаш бўйича вазифаларни ташкил этиш) шакллантириш;

- Давлат статистика қўмитаси бошқармалари, бўлимлари ҳамда ҳудудий статистика органларининг нархлар статистикаси соҳасида ахборотларни шакллантириш бўйича ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

- Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг нархлар статистикаси қисми бўйича бажарилишини таъминлаш;

- нархлар статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини электрон (зарур ҳолларда қоғоз) кўринишда йиғиш ва бошқа кузатувларни ташкил этиш;

- нархлар статистикаси бўйича статистик кўрсаткичларнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш ҳамда дастлабки статистик таҳлилин олиб бориш;

- нархлар статистикаси бўйича ахборот-статистик маълумотлар базасини шакллантириш, юритиш ва янгилаб бориш, фойдаланувчиларга улардан фойдаланишга доир тушунтиришлар бериш;

- олинган статистика маълумотларининг махфийлигини, бирламчи ҳисобот маълумотларидан юридик шахсларнинг фаолиятини, бошқа хусусиятларини ёки миқдор кўрсаткичларини расмий тасдиқлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларини ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- ҳудудий статистика органларининг нархлар статистикаси бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари ўртасида профилактика ишларини ташкил қилиш, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш борасидаги фаолияти мониторингини юритиш;

- умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ, нархлар статистикаси бўйича статистик метамаълумотлар тизимини яратиш ва уни доимий ривожлантириб бориш;

- тавсия этилган халқаро стандартлар асосида нархлар статистикасида сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

г) белгиланган тартибда давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини нархлар статистикасига оид маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:

- нархлар статистикаси бўйича тезкор ва сифатли статистик маълумотлар тайёрланишини таъминлаш;

- миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун нархлар статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш;

- оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун нархлар борасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, жадваллар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар ижроси юзасидан Бошқарма ваколати доирасида йиллик, чорақлик ва ойлик статистик ҳамда таҳлилий материалларни тайёрлашда иштирок этиш;

- нархлар статистикаси бўйича очиқ статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари, халқаро ташкилотлар нашрларида жойлаштириш ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаш;

- нархлар статистикасига оид кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

д) давлат статистикаси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, фойдаланувчиларнинг республикада нархлар бўйича тўлиқ очиб берилувчи кўрсаткичларнинг кенг рўйхатидан эркин фойдаланишларини таъминлаш соҳасида:

- нархлар статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация ресурслари ва технологияларини жорий этишда иштирок этиш;

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, нархлар бўйича асосий статистик кўрсаткичларнинг такомиллаштирилган маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлаш;

- нархлар статистикаси бўйича ахборотлардан фойдаланувчиларга реал вақт режимида кўрсаткичларнинг кенгайтирилган рўйхатидан эркин фойдаланиш имконини берувчи статистик маълумотлар базасини ишлаб чиқишда ва юритишда иштирок этиш.

7. Бошқарма ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури ва Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг нархлар статистикаси бўйича бажарилишини таъминлайди;

- нархлар статистикасини истиқболли ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равишда такомиллаштириш, унинг мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислоҳотлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг

боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган ишларда иштирок этади;

- Нархлар статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими, Истеъмол нархлари статистикаси бўлими, Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси бўлими, Халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари статистикаси бўлими ва ҳудудий статистика органларининг нархлар статистикаси масалаларида ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларини самарали амалга ошириш бўйича фаолиятини ташкил этади ҳамда мувофиқлаштиради;

- нархлар статистикаси соҳаси бўйича статистик услубиятни ишлаб чиқиш ва уни жорий этишни, халқаро нормалар ҳамда талабларга жавоб берадиган услубиятни статистик маълумотларни шакллантириш жараёнига жорий этишни амалга оширади;

- нархлар статистикаси соҳасида давлат статистика ҳисоботлари тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди, ҳисоботларни тузиш тартиби бўйича йўриқнома ва қўлланмалар ишлаб чиқади;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида таклифлар тайёрлайди;

- Ўзбекистон Республикаси давлат статистика тизимини ривожлантириш дастурларини, давлат статистика фаолиятининг жорий ва истиқбол режаларини, Давлат статистика қўмитасининг методологик ишлар режасини амалга оширишда иштирок этади;

- оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун нархлар соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлайди;

- нархлар статистикасига оид индексларни ҳисоблаш ва таҳлил қилишни амалга оширади;

- нархлар статистикаси соҳаси услубияти, статистик ишларни ташкил этиш ва уларни бажариш масалалари бўйича Давлат статистика қўмитаси бошқарма ҳамда бўлимларига, давлат статистикасининг ҳудудий бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

- статистик тўпламлар ва маърузалар учун нархлар статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлайди;

- Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, қўмита раҳбарияти топшириғи ҳамда фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида нархлар статистикасига оид маълумотларни тайёрлайди;

- Бошқарманинг услубий, иқтисодий, ташкилий ва статистика ишлари режаларини шакллантиради ва белгиланган муддатларда уларнинг ижросини таъминлайди;

- Нархлар статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими, Истеъмол нархлари статистикаси бўлими, Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси бўлими ҳамда Халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари статистикаси бўлими фаолиятига услубий ва ташкилий томондан раҳбарликни амалга оширади;

- нархлар статистикасини такомиллаштириш бўйича ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этиладиган лойиҳаларда иштирок этади;

- нархлар статистикаси амалиётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни амалга оширади;

- Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича тизимлаштирилган электрон маълумотлар базасининг яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда тўлдирилиб ва янгиланиб борилишини таъминлайди.

Бошқарма (бўлим) ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган иқтисодийнинг энг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурларда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг тенденциясини (ҳолатини) ҳисобга олган ҳолда таъминлайди.

Бошқарма белгиланган тартибда ўзига юкланган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

3-боб. Бошқарманинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- нархлар статистикаси кузатувларини ташкил этиш ва услубиятини такомиллаштириш бўйича қўмита раҳбариятига таклифлар киритиш;

- Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган маълумот ва ахборотларни қўмита бошқармалари, бўлимлари ҳамда ҳудудий статистика органларидан олиш;

- Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича қўмита бошқармалари ва бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш;

- нархлар статистикасига оид давлат статистика ҳисоботларини йиғиш муддатларини мақбуллаштириш, уларни қайта ишлаш, тўлиқлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- Бошқарма статистиканинг ягона илмий услубиятига асосан, статистик маълумотларни тартибга солиш ва уларнинг сифатини ошириш учун, ваколатига кирувчи статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотларнинг савияси учун жавобгар бўлади;

- Бошқарма (бўлим) бошлиғи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган энг муҳим устувор вазифалар ҳамда замонавий талаблардан келиб чиқиб “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонун, Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низом ҳамда ушбу низомда белгиланган вазифалар, функциялар, мажбуриятларни тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши, ўзига берилган ваколатлар, ҳуқуқлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши учун жавоб берадилар;

- Бошқармага юкланган вазифалар, функциялар ва статистик ишларни бажариш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлардан белгиланган тартибда маълумотлар ва тушунтиришлар олиш;

- нархлар статистикасига оид услубиёт, статистик ишлар ва расмий статистик маълумотлар юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш;

- нархлар статистикаси бўйича маълумот ва кўрсаткичлардан ноўрин фойдаланиш ва уларга нотўғри шарҳ бериш ҳолатларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тушунтириш бериш;

- қабул қилиб олинаётган статистик маълумотларнинг тўлиқлиги, ишончилиги ва ҳолислигини экспертизадан ўтказиш;

- давлат статистика маълумотларида бузилишлар аниқланган тақдирда, уларни баргараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва йиғма давлат статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

- Бошқарма фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар, йиғилишлар, жумладан халқаро йиғилишлар ишида ва халқаро лойиҳаларда иштирок этади.

9. Бошқарма қуйидагилар учун жавобгар:

- ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

- ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори сифатли даражада тайёрлаш;

- давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ, фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

- Бошқарма ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бошқарманинг тузилмаси

10. Бошқарманинг тузилмаси ўз ичига Бошқарма бошлиғини, Бошқарма бошлиғи ўринбосарини, шунингдек:

- Нархлар статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими;

- Истеъмол нархлари статистикаси бўлими;

- Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси бўлими;

- Халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари статистикаси бўлимини олади.

Ҳар бир бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари (фақат истеъмол нархлари статистикаси бўлимида), бош, етакчи ва 1-тоифали мутахассислар қиради.

11. Бошқарма ва унинг таркибига кирувчи бўлимлар ишига Бошқарма бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бошқарма бошлиғи, Бошқарма бошлиғи ўринбосари бўлим бошлиқлари, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассислари Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод қилинади.

13. Нархлар статистикаси бўйича йўғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлими:

- нархлар статистикаси маълумотларини шакллантириш соҳасини ривожлантириш, унда мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши бўйича ойлик, чораклик ва йиллик статистик ҳамда таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ва тақдим этиш;

- нархлар статистикаси бўйича асосий кўрсаткичларнинг динамик қаторларини юритиш;

- бўлим иш фаолиятини такомиллаштириш, ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, тизим иш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида замонавий АКТ тизимидан унумли фойдаланиш, бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўзлаштириб, амалиётга тўғри тадбиқ қилишда раҳбариятга асосланган таклифлар киритиш;

- бошқарма таркибига кирувчи бўлимларнинг ҳисобот ва кузатувлар ўтказишдаги услубий низомларини ишлаб чиқиш, зарурият туғилганда мавжудларини такомиллаштириш, услубий қўлланмалар, нархлар статистикасига оид ўқув қўлланмалар ва бошқа норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш;

- таҳлилий жадваллар, пресс-релизлар, маърузалар ва статистик тўпламларни тайёрлаш, нархлар статистикаси бошқармаси фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар саволномаларини тўлдириш;

- оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун нархлар статистикаси соҳасида юз бераётган ўзгаришларни ифодаловчи таҳлилий маълумотлар, жадваллар, диаграммалар, графиклар ва пресс-релизлар тайёрлаш;

- ташқи фойдаланувчиларга, жумладан, чел эл мамлакатлари статистик идораларининг расмий веб-сайтларида (Очиқ маълумотлар портали, МДХ статистика қўмитаси, ХВЖ веб-сайтлари, БМТ статистик тўплами) эълон қилинадиган статистик кўрсаткичлар учун нархлар статистикасига оид маълумотларни тайёрлаш;

- қўмита раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан нархлар статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлаш;

- нархлар статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни тарқатиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш;

- миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун нархлар статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш.

14. Истеъмол нархлари статистикаси бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

- истеъмол нархлари статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

- ҳар йили амалга ошириладиган истеъмол нархлари индексини шакллантиришда фойдаланиладиган товар ва хизматларнинг салмоқ вазнлар тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳисоблаш ишларида тегишли бошқарманинг тармоқ бўлимларидан зарур маълумотларни олишда иштирок этиш;

- бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтириш;

- бўлим иш фаолиятини янада такомиллаштириш, ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, тизим иш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида замонавий АКТ тизимидан унумли фойдаланиш, илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳамда бу борада раҳбариятга асосланган таклифлар киритиш;

- истеъмол нархлари статистикаси ахборотларини шакллантириш масалалари бўйича ҳудудий органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, истеъмол нархлари статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш.

15. Ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси бўлими қуйидагиларни амалга оширади:

- ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси бўйича ахборотларни Давлат статистика ишлари дастурида белгиланган ишлар ва муддатларда йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

- ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш ва электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий қилиш ишларини ташкил этиш, бу йўналишда ҳудудий статистика органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарувчилар нархлари статистикаси асосий кўрсаткичларининг такомиллаштирилган маълумотлар базасини юритиш;

- бўлим фаолияти ривожланишнинг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидаларга асосланган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларнинг расмий статистика ахборотларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтириш;

- бўлим иш фаолиятини янада такомиллаштириш, ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, тизим иш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида замонавий АКТ тизимидан унумли фойдаланиш, илғор халқаро тажрибаларни ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳамда бу борада раҳбариятга асосланган таклифлар киритиш;

- нархлар бўйича давлат статистика кузатувлари ва ҳисоботлари тизимини шакллантириш (ҳисобот топширувчи корхоналар каталоги, товарлар рўйхати, товарларнинг салмоқ вазили кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш ва ҳисоблаш) ишларида бевосита кўмитанинг тегишли бошқармалари ҳамда тармоқ бўлимларидан зарур маълумотларни олишда иштирок этиш.

16. Халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари статистикаси бўлими:

- халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари ташкил этиш, кузатув натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш, шакллантирилган статистик маълумотларни ҳудудий мувофиқлаштирувчига етказилишини таъминлаш ва ҳамкорликда таҳлилий ишларни амалга ошириш;

- халқаро таққослаш дастури бўйича нарх кузатувлари шаффофлигини ва самарадорлигини ташкил этишда бевосита тегишли бўлган вазирлик ҳамда идоралар билан ўзаро маълумот алмашинуви борасида ҳамкорлик қилиш;

- миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун бўлим фаолиятига тааллуқли нархлар статистикасига оид кўрсаткичларни максимал даражада шаффофлиги ва ошқоралигини таъминлаш;

- бўлим фаолияти ривожланишининг миллий ва минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда илмий методологияга, халқаро стандартлар ва қоидалар асосида шакллантирилган расмий статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондирувчи ахборот-статистика тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга йўналтириш;

- бўлим иш фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш, тизим иш фаолияти самарадорлигини ошириш борасида замонавий АКТ тизимидан унумли фойдаланиш, бу борадаги дунёнинг илғор мамлакатлари тажрибасини ўзлаштириб, амалиётга тўғри тадбиқ этиш ҳамда раҳбариятга асосланган таклифлар киритиш;

- кўмита раҳбариятининг топшириқлари ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан бўлим фаолиятига оид нархлар статистикаси бўйича маълумотлар тайёрлаш;

- нархлар бўйича миллий статистика кузатувлари тизимини шакллантириш бўйича ишларда иштирок этиш;

- нархлар статистикасига оид статистик кузатувлар ва расмий статистик маълумотларни фойдаланувчиларга етказиш бўйича ташкил этиладиган ахборот-тушунтириш ишларида иштирок этиш.

5-боб. Бошқарманинг фаолиятини ташкил этиш

17. Бошқарманинг иши Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика кўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқиш дастури, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида низом, мазкур низом, Давлат статистика кўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек, Давлат статистика кўмитасининг иш режалари, Бошқарманинг иш режалари ва Бошқарма ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бошқарманинг иш режаси Давлат статистика қўмитаси раиси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика қўмитасининг иш режалари асосида шакллантирилади ва Раиснинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ходимларнинг функционал вазифалари Бошқарма бошлиғи томонидан бўлинмага юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва Раиснинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

18. Бошқарма бошлиғи:

- Бошқармага бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим бошлиқлари, бўлим бошлиғи ўринбосари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, Бошқармага юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

- Бошқарманинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга қўриб чиқиш учун киритади;

- Бошқарманинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва Раиснинг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

- Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

- Давлат статистика қўмитасининг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек, Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг топшириғига биноан Бошқарма тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идоралараро ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

- нархлар статистикаси соҳасида норматив ва методологик ҳужжатларни ҳамда давлат статистика кузатувлари шакллари лойиҳаларини эксперт жиҳатдан пухта ишлаб чиқилишини ташкил қилади;

- Давлат статистика қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

- нархлар статистикаси бўйича услубий ҳужжатларни қўллаш бўйича статистика бўлинмаларининг раҳбарлари ва мутахассисларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатади;

- Давлат статистика қўмитасининг ва Бошқарманинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ, Бошқарма ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида, тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек, уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

- Бошқарма ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

- Бошқарма кадрлари захирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар захирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

- Бошқарма ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказди;

- иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилади, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

19. Бошқарма бошлиғи ўринбосари:

- мутахассислар ишини мувофиқлаштиради ва нархлар статистикаси масалалари бўйича ҳудудий статистика органлари билан ҳамкорликни ташкил қилиш учун шахсан жавоб беради;

- мутахассислар томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек, Нархлар статистикаси бўйича йиғма таҳлилий ахборотларни шакллантириш бўлимига юкланган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

- нархлар статистикаси масалалари бўйича услубий ҳужжатлар лойиҳалари ва маълумот материаллар ҳақида Бошқарма бошлиғига ахборот беради;

- вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

20. Бўлим бошлиғи:

- бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишини мувофиқлаштиради, бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

- Давлат статистика кўмитаси ва Бошқарманинг иш режаларида кўзда тутилган масалаларни ўрганилишини ва чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

- бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

- статистика соҳасида илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича бўлим мутахассислари томонидан тайёрлаган таклифларни умумлаштиради;

- бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

- Бошқарма бошлиғи билан бирга бўлим фаолиятини такомиллаштириш, Давлат статистика ишлари дастурини, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

- бўлим ишларининг самарадорлик даражасини ошириш, иш услуги ва методларини, уларни ташкил қилишни яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

- Бошқарманинг ўзи бошчилик қиладиган бўлими ваколатига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

- ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи ва чиқувчи материалларнинг нухсаларини сақланишини таъминлайди;

- бўлим ваколатига кирувчи масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхоналар ва ташкилотларда Давлат статистика кўмитаси манфаатларини ифодалайди;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича Давлат статистика кўмитаси бўлинмаларининг таклифларини умумлаштиришда иштирок этади;

- бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатларини, шу жумладан, электрон шаклда келиб тушган муружаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва Давлат статистика кўмитаси раҳбариятига киритади;

- вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

- нархлар статистикаси фаолиятига алоқадор барча масалаларни қамраб олувчи комплекс ишларни амалга оширади;

- давлат статистика ҳисоботи шакллари шакллантириш, ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фаол қатнашади;

- илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

- маърузалар, статистик бюллетен ва тўпламлар учун маълумотлар тайёрлайди;

- статистик ҳисобот шаклларининг дастурий базасини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда фаол қатнашади;

- нархлар статистикаси бошқармаси билан биргаликда тақдим этилаётган статистик маълумотлар ва ҳисоботларнинг ишончлилиги ва аниқлигини текширади;

- давлат ва тижорат сирларига эга статистик маълумотларнинг сақланишини таъминлайди;

- бошқармага тегишли маълумотларнинг махфийлигини таъминлашга, келиб тушувчи ва чиқувчи материаллар бўйича давлат ва тижорат сирларини сақлашга жавоб беради;

- давлат статистика қўмитаси ходимларига қўйилган талабларни, ва ушбу низомда белгиланган функционал вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди;

- ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга, Олий Мажлиснинг меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, Давлат статистика қўмитасининг Низомига ва ушбу Низомга қатъий амал қилиши лозим;

- раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

- вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

22. Бўлим бош мутахассиси:

- белгиланган иш соҳаси бўйича ҳисоботларни ўз вақтида шакллантириш ва тўплашни қатъий назорат қилади;

- давлат статистика ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фаол қатнашади;

- илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

- маърузалар, статистик бюллетен ва тўпламлар учун маълумотлар тайёрлайди;

- статистик ҳисобот шаклларининг дастурий базасини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда қатнашади;

- нархлар статистикаси бошқармаси билан биргаликда тақдим этилаётган статистик маълумот ва ҳисоботларнинг ишончилиги ва аниқлигини текширади;

- бўлим фаолиятига доир аналитик ҳисоб-китобларни амалга оширади;

- Бўлим бош мутахассиси ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Давлат статистикаси тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга, Олий Мажлиснинг меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, Давлат статистика қўмитасининг, бўлимнинг низомига ва ушбу йўриқномага қатъий амал қилиши лозим;

- функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

- илмий журналлар, халқаро ташкилотларнинг методологик нашрлари ва Интернет тармоғидаги материалларни ўрганиш асосида статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ривожлантириш ва статистика амалиётига жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

- функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича марказий аппарат бўлинмаларига ва ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

- бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни йиғади ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

- раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
- вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

23. Бўлим етакчи мутахассиси, 1-тоифали мутахассиси:

- белгиланган иш соҳаси бўйича ҳисоботларни ўз вақтида шакллантириш ва тўплашни қатъий назорат қилади;

- давлат статистика ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда фаол қатнашади;

- функционал вазифаларига мувофиқ материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

- маърузалар, статистик бюллетен ва тўпламлар учун маълумотлар тайёрлайди;

- статистик ҳисобот шаклларининг дастурий базасини такомиллаштириш бўйича олиб бориладиган ишларда қатнашади;

- нархлар статистикаси бошқармаси билан биргаликда тақдим этилаётган статистик маълумот ва ҳисоботларнинг ишончилиги ва аниқлигини текширади;

- бўлим фаолиятига доир таҳлилий ҳисоб-китобларни амалга оширади;

- бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материаллар ва уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этади;

- функционал вазифаларига кирувчи масалалар бўйича ҳудудий статистика органларига маслаҳат ёрдами кўрсатади;

- иш юритишни олиб боради, Бошқармада ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширишни таъминлайди;

- раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;
- вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.